



СУФОРИЛАДИГАН ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7852997>

Гуламова Зилола Саттаровна

*ассистент, Тошкент давлат аграр
университети, Тошкент*

Маърипова Меҳринисо

*бакалавр, Тошкент давлат аграр
университети, Тошкент*

Арзиқулова Сабина

*бакалавр, Тошкент давлат аграр
университети, Тошкент*

Аннотация: Мақолада суғориладиган типик бўз тупроқларнинг хосса-хусусиятларига ирригация эрозиясини таъсирини ўрганишда стационар (доимий кузатиш) олиб бориладиган майдонлар танланиб олинган. Шу муносабат билан ишда ирригация эрозияси туфайли қияликнинг ҳар хил элементлардаги тупроқларнинг морфогенетик кўрсаткичлари аниқланган

Калит сўзлар: стационар (доимий кузатиш), ювилиб тўпланган, янги яралма, кесма, кўзанак, қатlam

Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг хосса-хусусиятларига ирригация эрозиясини таъсирини ўрганишда стационар (доимий кузатиш) олиб бориладиган майдонлар танланиб, геоморфологик профил бўйича ҳар хил даражадаги ($2\text{-}8^{\circ}$) қиялик бўйлаб тупроқ кесмалари солинди. Бунда қияликларни ўрта қисмида ($7\text{-}8^{\circ}$), ўртача эрозияланган тупроқлар ва қия-ликни пастки-текис ($0,5\text{-}1^{\circ}$) қисмида “ювилиб тўпланган” тупроқларга ажратилди.

Тупроқ кесмаларини морфогенетик кўрсаткичларини ёзишда тупроқни эрозияланганлак даражасини аниқлашда қуйидаги омиллар эътиборга олинади; тупроқни ранги, структурали (донадорлиги) гумусланган қатlam қалинлиги ($A+B_1+B_2$) янги яралмаларни бошланиш чегараси ва бошқа кўрсаткичлар. Мисол учун эрозия натижасида йиғилиб тўпланган тупроқда қатlam қалинлиги 68 см, ўртача эрозияга чалинган тупроқда 25 см бўлиб, ҳайдаладиган қават B_1 қатлами ҳисобидан ташкил бўлганлиги натижасида конкрецияли карбонатлар ер юзасига кўтарилиган. Эрозияга чалинмаган тупроқларда оқ мофорли кўринишдаги карбонатлар кўриниш чегараси 19-20 см, конкрецияли карбонатлар тупроқ кесими 65 см да (1-жадвал).

Шундай қилиб, ирригация эрозияси туфайли қияликнинг ҳар хил элементлардаги тупроқларнинг морфогенетик кўрсаткичлари бир хил эмас. Бу



кўрсаткичлар тупроқ профилини умумий тузилишида, гумусланган A+B₁+B₂ қатlam қалинлигига, донадорлиги (структурадаги), рангида, механик таркибда ҳамда карбонатларнинг оқ моғор ва конкреция кўринишидаги горизонтларини жойлашиши чуқурлигини бир хил эмаслигини таъкидлайди.

1- жадвал

Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг морфологик кўрсаткичларига ирригация эрозиясининг таъсири.

Кесма номери, қияликдаги жойи, эrozияланиш даражаси	Қияликдаги даражаси ва экспозицияси, градусда	Гумусланган (A+B ₁ +B ₂) қатlam қалинлиги, см	Карбонатларни юқори кўриниш чегараси, см		SO ₄ -тўпла ниш чегар аси, см	А ҳайдалма қатlamни механик таркиби	А ҳайдал ма қатlamни ранги
			Оқ моғорли ва доғ кўриниш ида	Кўзанак ашакл ида			

Лёсс ётқизиқларида шаклланган типик бўз тупроқ (Оҳангарон тумани "Акром" ф/х)

К-12, эрозияга учрамаган тупроқ	1,5-2 ⁰	45	Карбона тлар кўзанак лар кўриниш ида учрайди	20	2м чукур лиқда	ўрта кумоқ	бўз дала ранг
К-14, кучсиз эрозияланган тупроқ	2-2,5 ⁰	32	78-100	100-125	2м чукур лиқда	енгил кумоқ	дала ранг
К-8, ўртча эрозияга учраган тупроқ	3-3,5 ⁰	25	12-27	47-69	2м чукур лиқда	ўрта кумоқ	оч бўз ранг
К-13, эрозия натижасида йиғилиб тўпланган	0,5-1 ⁰ атрофида	68	кўринмайди	100-125	2м чукур лиқда	оғир кумоқ	бўз ранг

Бу кўрсаткичлар шуни таъкидлайдики инсон қишлоқ ҳўжалик экинларини жумладан ғўза, донли экинларни нотўғри суғориш қиялик ерларни нотўғри суғориб дехқончилик қилган майдонларни тупроқ унумдорлиги бўйича уч категорияли яъни З хил балл бонитетли бўлиб колади. Албатта бундай ерларни-эгалари, фермерлар биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини тиклаш, ошириш борасида-эрозияни олдини олиш, қарши кўраш чоратадбирлар қўллаш, қияликдаги эрозияланган тупроқларни ўғитлашда-органик ва минерал ўғитларни табақалаштириб қўллаш ва суғориш ишларини замонавий янги агротехнологик усусларда ёмғирлатиб, томчилатиб, эгат оралатиб суғоришни такомиллаштириш керак.



Кесма-8 Суғориладиган типик бўз тупроқ, қумоқли лёсс она жинсда ривожланган кесма қияликнинг ўрта қисмига солинган, қиялик даражаси 3-3,5⁰ атрофида, Тошкент вилояти, Охангарон тумани Фалла қудуқ “Акром”ф/х ерлари, ўртacha эрозияга учраган тупроқ, буғдой экилган ер.

0-12 см.	Ҳайдалган оч бўз ранги, увоқсимон, сочиувчанкучсиз намли, енгил қумоқли, майда ва ўртacha ўсимлик илдизлари учрайди, кейинги қатlamга зичлиги бўйича ўтади.
12-27 см	Бўз рангли, намли, енгил қумоқли, кесакли структурали, зичроқ, ерда яшовчи ҳашоротларидан чумоли инлари учрайди, майда ва ўртacha ўсимлик илдизлари учрайди, кейинги қатlamга секин-аста ўтади.
27-47 см.	Тўқ бўз ранг, намланган, ўрта қумоқли, ўсимлик илдизлари камроқ учрайди, карбонатлар йўқ. Кучсиз эрозиялашган, кам уваланувчан. Кейинги горизонтга ранги билан ўтади.
47-69 см.	Тўқ бўз ранг, нам, ўрта қумоқли, ўсимлик илдизлари кўп эмас, пастки қатlamга томон камайиб боради. Курт қумурсқалар ва ҳайвон излари учрайди, кейинги горизонтга ранги билан ўтади.
69-90 см.	Тўқ бўз ранг, ўрта қумоқли, структурасиз, лёсс жинсига характерли майдигнага ўхшаган тешикчали- майда ғовакли. Курт қумурсқалар ва ҳайвон излари йўқ.
90-130	Тўқ бўз ранг, ўрта қумоқли, структурасиз, лёсс жинсига характерли майдигнага ўхшаган тешикчали- майда ғовакли.
130-160	Дала рангли, лёсс она жинс, ўрта қумоқли структура яхши ривожланган. Ўсимлик илдизлари ва ҳайвонот дунёси кўринмайди.

Кесма-12 Суғориладиган типик бўз тупроқ, қумоқли лёсс она жинсда ривожланган кесма қияликнинг ўрта қисмига солинган, қиялик даражаси 3-3,5⁰ атрофида, Тошкент вилояти, Охангарон тумани Фалла қудуқ “Акром”ф/х ерлари, эрозияга учрамаган тупроқ, пиёз экилган ер.

0-20 см..	Бўз ранг, енгил қумоқли, донасимон структурага эга, кам зичли, майда илдизлар учрайди, янги яралмалар, ҳашоратларни фаолияти кўзга кўринмайди. Карбонатлар кўзанаклар кўринишида учрайди. Кейинги горизонтга секин ўтади.
20-47 см.	Тўқ бўз ранг, бир оз нам, енгил қумоқ кесакли – қовушмали, майда ва ўртacha ($d=0,5-1\text{мм}$) илдизлар, чумоли уялари учрайди. Кейиги қатlamга ранги ва зичлиги билан ўтади.
47-87 см.	Тўқ бўз ранг, нам, енгил қумоқ, палахсасимон структурага эга, юқори горизонтга нисбатан зичроқ, майда илдизлар кам. Карбонатлар моғор кўзанак кўринишида учрайди. Зичлиги билан кейинги қатlamга ўтади.
87-100 см.	Тўқ бўз ранг, намроқ, енгил қумоқ, кам зичли, майда илдизлар сийрак, янги яралмалар карбонат доғлари ва майда кўзанакли кўринишида учрайди, кейинги горизонтга ранги ва намлиги билан ўтади.
100-115 см.	Тўқ бўз ранг, нам, ўрта қумоқ, структураси яхши ифодаланмаган, кам зичланган, карбонат доғлари учрамайди. Кейинги горизонтга ранги билан секин ўтади.



115-125 см.	Тўқ бўз ранг, нам, ўрта қумоқ, структураси яхши ифодаланмаган, кам зичланган, карбонат доғлари учрамайди.
125-160 см.	Лёсс она жинс, оч дала рангли, унча зич эмас, енгил қумоқли, лёсс жинсига характерли майда-игнага ўхшаган тешикчали- майда ғовакли.

Кесма-13 Суғориладиган типик бўз тупроқ, қумоқли лёсс она жинсда ривожланган кесма қияликнинг ўрта қисмига солинган, қиялик даражаси 3-3,5⁰ атрофида, Тошкент вилояти, Охангарон тумани Фалла қудуқ “Акром” ф/х ерлари, эрозия натижасида ювилиб тўпланган тупроқ, кунгабоқар экилган ер.

0-27 см.	Бўз ранги, енгил қумоқ, донасимон структурага эга, майда ва ўртача ўсимлик илдизлари учрайди, майда ва ўртача ўсимлик илдизлари борлиги кўзга ташланади, кейинги қатламга зичлиги бўйича ўтади.
27-42 см	Бўз ранг, намхуш, енгил қумоқли, палахсасимон структурага эга, зичроқ, ерда яшовчи ҳашоротларни инлари, майда ва ўртача ўсимлик илдизлари янги яралмалар, кейинги қатламга ранги ва зичлиги билан ўтади.
42-68 см.	Бўз ранг, кучсиз намланган, енгил қумоқли, ўсимлик илдизлари камроқ учрайди, янги яралмалар карбонатлар оқ кўзанакли ва доғ шаклида кўп учрайди, кейинги горизонтга ранги билан ўтади.
68-95 см.	Бўз ранг, енгил қумоқли, кам зичланган, ўсимлик илдизлари кўп эмас, пастки қатламга томон камайиб боради, янги яралмалар карбонатлар кам, пастга томон камаяди. Ҳашоратлар йўллари жуда кам даражада, кейинги горизонтга ранги билан ўтади.
95-135 см.	Бўз ранг, енгил қумоқли, кам зичланган, пастки қатламга томон камайиб боради, янги яралмалар карбонатлар кам, пастга томон камаяди. Кейинги горизонтга ранги билан ўтади.
135-147 см	Бўз ранг, енгил қумоқли, кам зичланган пастга томон камаяди. Кейинги горизонтга ранги билан ўтади.
147-160 см	Лёсс она жинс, оч дала рангли, унча зич эмас, енгил қумоқли, лёсс жинсига характерли майда-игнага ўхшаган тешикчали- майда ғовакли.

Кесма-14 Суғориладиган типик бўз тупроқ, қумоқли лёсс она жинсда ривожланган кесма қияликнинг ўрта қисмига солинган, қиялик даражаси 3-3,5⁰ атрофида, Тошкент вилояти, Охангарон тумани Фалла қудуқ “Акром” ф/х ерлари, кучсиз эрозияга эрозияланган тупроқ, маккажўхори экилган ер.

0-29 см.	Дала ранг, қуруқ, енгил қумоқли, майда кесакли - сочиувчан, кесмани юқори қатламлар юмшоқ пастга қараб ўртача зичланган, ўрта ва йирик ўсимлик илдизлар учрайди.
29-55 см.	Оч бўз ранг, енгил қумоқ, палахсасимон структурага эга, ўрта зичланган, ўрта ва йирик ўсимлик илдизлари мавжуд. Чумоли инлари учрайди. Кейинги қатламга секинлик билан ўтади.
55-78 см.	Бўз ранг, нам, енгил қумоқли, чангсимон, ўртача зичланган, майда ва йирик ўсимлик илдизлари учрайди. Кейинги қатламга ранги билан ўтади.
78-100 см.	Бўз дала ранг, ўрта қумоқли, намхуш, камроқ зичланган, палахсасимон структурага эга. Карбонатлар мөгор кўзанак кўринишда камроқ учрайди..



	Майда илдизлар кам учрайди.
100-125 см.	Тўқ бўз ранг, намлиги намхуш, ўрта қумоқли, палахсасимон структурага эга. Карбонатлар мөгор кўзанак кўринишда учрайди. Илдизлар, янги яралмалар кўзга кўринмайди, кейинги қатламга секин ўтади.
125-155 см.	Тўқ бўз ранг, намлиги намхуш, ўрта қумоқли, палахсасимон структурага эга. Карбонатлар мөгор кўзанак кам учрайди.

Хуноса. Морфологик кўрсаткичларига кўра, суғориладиган типик бўз тупроқларнинг турли хил даражада эрозияланишига қараб қуидагича таърифлаш мумкин. Эрозияланмаган (К-12) карбонатлар кўзанаклар кўринишида мавжудлиги билан таърифлаш мумкин. Гумусли қатлам қалинлиги эса 87-100 см га teng бўлиб, янги яралмалар карбонат доғлари ва майда кўзанакли кўринишида учрайди.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.Махсудов Х.М.-Эродированные сероземы и пути повышения их продуктивности. Ташкент, "Фан", 1981, стр. 105-126.
- 2.Махсудов Х.М. -Эрозия почв аридной зоны Узбекистана. Ташкент, 1989, стр. 31-67.
- 3.Махсудов Х.М., Ҳақбердиев О.Э. Жанубий Хисор тоғ ён бағри тупроқларининг ўзига хослиги ва уларнинг эрозияланганлик даражаси. Тошкент. 2010.